

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**Кўлёзма хуқуқида
УДК:338.48:339.138**

АЛЛАЁРОВ РАВШАН АЛИЕВИЧ

**ХУДУДИЙ ТУРИСТИК РЕСУРСЛАРДАН САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИ**

**08.00.11 – Маркетинг
08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)
илмий даражасини олиш учун тайёрланган
ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. М.Т. Алимова

Самарқанд – 2022

1224

МУНДАРИЖА

| | |
|--|------------|
| КИРИШ | 3 |
| I БОБ. ҲУДУДИЙ ТУРИСТИК РЕСУРСЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ БҮЙИЧА МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ..... | 14 |
| 1.1. Туристик ҳудуднинг ресурслари: моҳияти, таркиби ва ижтимоий-иктисодий тизимни ривожлантиришдаги ўрни | 14 |
| 1.2. Ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий ривожланиши тизимида ҳудудий маркетинг моҳияти ва аҳамияти | 27 |
| 1.3. Туризм соҳасида ҳудудий маркетинг стратегиясини амалга ошириш хусусиятлари | 42 |
| 1.4. Туристик ҳудуд ресурс салоҳиятини баҳолашнинг назарий-методик асослари | 56 |
| Биринчи боб бўйича хулоса | 68 |
| II БОБ. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АЛОҲИДА ҲУДУДЛАРИ ТУРИСТИК РЕСУРС САЛОҲИЯТИ ТАҲЛИЛИ | 70 |
| 2.1. Самарқанд вилоятида туризм соҳасининг ривожланиш тенденциялари | 70 |
| 2.2. Самарқанд вилоятининг алоҳида ҳудудлари туристик ресурс салоҳияти таҳлили | 83 |
| 2.3. Туристик ҳудуд ресурс салоҳиятини баҳолашнинг методик асосларини такомиллаштириш | 97 |
| Иккинчи боб бўйича хулоса | 108 |
| III. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ҲУДУДИЙ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ АСОСИДА ТУРИСТИК РЕСУРСЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ | 111 |
| 3.1. Самарқанд вилоятида туризм соҳасини стратегик ривожлантиришнинг концептуал асослари | 111 |
| 3.2. Ҳудудий туристик ресурслардан самарали фойдаланишнинг геоахборот таъминоти | 127 |
| 3.3. Ҳудудий туристик ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича маркетинг стратегиясининг механизми | 140 |
| Учинчи боб бўйича хулоса | 153 |
| ХУЛОСА | 155 |
| ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ | 157 |
| ИЛОВАЛАР | 178 |

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарбилиги ва зарурати. Глобал рақобатнинг кучайиши шароитида туризм мазкур тармоқдаги хизматлар ҳажмининг ўсиш суръатлари ва макроиктисодий кўрсаткичларидаги улуши натижасида жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. COVID-19 пандемиясининг таъсирида туризм 2020 йилда ўз ривожланиши давридаги энг катта инқирозни бошидан кечирди ҳамда халқаро туристик оқимнинг ўтган йилга нисбатан 74 фойзга камайишига сабаб бўлди. Аммо соҳага хос тикланиш хусусияти туфайли юқори туристик салоҳиятга эга алоҳида мамлакат ва ҳудудларда туризм иқтисодиётнинг стратегик тармоғи сифатида қайта гавдаланмоқда. Туризм ва саёҳатлар бўйича бутунжаон Кенгашининг маълумотларига кўра, 2021 йилда туризмнинг миллий иқтисодиётдаги улуши «Францияда – 6,5%, Юнонистонда – 14,9%, Испанияда – 8,5%, Италияда – 9,1%, Португалияда – 10,9%, Туркияда – 7,3%ни ташкил этган»¹. Мавжуд туристик ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган замонавий маркетинг дастакларидан фойдаланган ҳолда туризмни миллий иқтисодиётнинг стратегик тармоғига айлантириш орқали юқори ижтимоий-иктисодий ривожланишга эришилмоқда.

Жаҳонда маркетинг дастакларидан самарали фойдаланиш асосида туризмни жадал ривожлантириш ҳамда соҳанинг алоҳида мамлакатлар ва ҳудудлар ижтимоий-иктисодий ривожланишидаги ўрнини ошириш масалаларига бағишлиланган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Рақамли иқтисодиёт муҳитида ҳудудларнинг туристик ресурс салоҳиятини баҳолаш, туристик ресурсларнинг дифференциацияси асосида туристик маҳсулотларни диверсификациялаш, туристик ресурслар реестри ва кадастрини ишлаб чиқиш, ҳудудий геоахборот тизимини шакллантириш, ҳудудий туристик ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилган стратегиясини ишлаб чиқиш, уни амалга оширишда маркетинг дастакларидан

¹ <https://wttc.org/research/economic-impact>